С.Абдуллаев, Б.Азимов, А.Махмудов,
Б.Бойметов

ҚАЛАМТАСВИР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта
Махсус Таълим Вазирлиги
Бухоро Давлат Университети

Бадиий графика ва ХАБС факультети

Қаламтасвир

1 курс

Бадиий графика факультети талабалари
учун ўқув - услубий қўлланма

Бухоро 2001-йил

ТАҚРИЗЧИЛАР: педагогика фанлари номзоди Қ.Қосимов
Санъатшунослик номзоди Э.Ахмедов
Ўзбекистон Республикаси
Бадиий Академияси аъзоси Қ. Норхўрозов

Услубий қўлланма Бухоро давлат университети ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир — доц. Ориф Қодиров

Бадиий муҳаррир — Дилмурод Жаббор

Услубий қўлланма бадиий графика факультети сиртки бўлим 1 курс талабалари учун мўлжалланган. Қўлланмада қаламтасвир фани бўйича дастур, назарий маълумотлар, талабаларнинг дарсда ва уйда бажаришлари мўлжалланган мустақил ишлари мавзулари келтирилган. Мустақил ишларни бажариш бўйича қисқача услубий тавсиялар берилган. Тасвирий кўникма ва малакаларни эгаллаш кетма-кетлиги амалий ишлар ердамида очиб беришга ҳаракат қилинган. Мазкур қўлланмадан кундузги бўлим талабалари ҳамда барча қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

КИРИШ

"Маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади". И.А.Каримов

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" олий таълим тизимида қатор янгиланишларни тақозо этади. Шу жумладан, ўқитишда янги технологияларни тадбиқ этиш, янги дастур ва дарсликлар яратиш устида иш олиб бориш ҳозирги куннинг ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифаларидандир.

Юқорида фикр этилган некбин вазифаларни ҳал этишда тасвирий санъатнинг хар урни беқиёсдир. Халқимизнинг бадиий маданиятини, хусусан ўқувчи-ёшларнинг бадиий таълим-тарбиясини дунё стандарти даражасига етказиш, улар онгида ватанга садоқат, миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини кучайтиришга, маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашдек муҳим вазифани ечишда унинг имкониятлари каттадир.

Ҳозирги вақтда талабаларнинг мустақил билим олишга бўлган интилишлари ушбу соҳага доир зарур қўлланма, услубий тавсияномалар, дарсликлар яратиш зарурриятини келтириб чиқармоқда. Муаллифлар бу борада етишмовчиликни озгина бўлса ҳам бартараф қилиш мақсадида ушбу қўлланмани илк бор ўзбек тилида тузишга ҳаракат қилдилар. Қўлланмани ишлаб чикишда бадиий графика факультетлари учун мўлжалланган "Изобразительное искусство" М-1985 услубий тавсияномага ҳамда муаллифларнинг кўп йиллик иш тажрибаларига таянилган. Келтирилган расмлар муаллифлар, талабалар ишларидан ҳамда машхур рассом-муаллимларнинг ушбу борага тааллуқли расмлари асосида тузилган. Бу ўқув материалини талабалар томонидан тез эгаллаб олишлари учун хизмат қилади.

Қўлланмада қаламтасвир фани бўйича иш дастурлари, қисқача суҳбат матнлари, талабаларнинг дарс жараёнида ва уйда мустақил бажаришлари кўзда тутилган мавзулар келтирилган. Сиртқи бўлимда ўқиш хусусияти талабанинг кўп мавзуларни мустақил бажаришни кераклигини назарда тутиб муаллифлар мавзуларни бажариш бўйича услубий маслаҳатлар берилган.

Қўлланма илк бор ўзбек тилида тузилаётганлиги сабабли камчиликлардан холи эмас ва муаллифлар ушбу соҳага доир танқид ва мулоҳазаларни ўқувчилардан кутади.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Маънавий соғлом авлодни, бўлажак ватанпарварларни тарбиялаш ўқитувчи зиммасига юкланади. У аҳлоқий сифатлар шаклланган, маънавий-руҳан бой, етук инсон бўлиши билан биргаликда юқори даражада шаклланган касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис-педагог, психолог бўлиши лозим. Ўқитувчи тасвирий санъатдан махсус билим ва малака эгаси бўлмасдан туриб, муаллимлик қилиши мумкин эмас. Айниқса у тасвирий санъатнинг қаламтасвир, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, шунингдек декоратив-амалий санъат ва меъморчилик санъати тарихи, санъатдаги турли оқим ва мактаблар, унинг ривожидаги тамойилларни пухта ўзлаштириб олиши, унинг айрим турлари бўйича бадиий ижод олиб бориши ва бу билан болаларга намуна бўлиши керак.[1]

Тасвирий санъат соҳасида билим олаётган талабанинг энг асосий вазифаси ўқитувчи-рассом учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллаши кўзда тутилади. Ижодкор ўқитувчи ўсиб келаётган авлодни бадиий баркамол, юксак дидли, олам ва санъат гўзалликларини тўғри тушуна оладиган тарзда тарбиялашни асосий мақсад қилиб қўйилади.

МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Сессия давомида ўқитиладиган назарий машғулотлар сиртқи бўлим талабалари учун фаннинг асосий бўлимлари бўйича маълумотларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

Суҳбат ва маърузалар талабалар бажаришлари мўлжалланган ишларга онгли, тушунган равишда ёндошишлари учун хизмат қилади. Шу сабабли талабалар кириш суҳбатларини диққат билан эшитишлари, тавсия этилган адабиётларни ўқишлари талаб этилади.

Амалий ишларни бажариш жараёнида талабалар қаламтасвирда ишлаш босқичларини, турли материалларда ишлашни ўрганадилар. Бунда талабалар ўқитувчи қўйган

---

1. Р.Хасанов: Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат концепцияси: Т.: ЎзПФИТИ, 106.

вазифани қандай ҳал этилишини тўлиқ равишда ўзи бажариб туради. Қўйилган вазифани тўғри тушуниш талабани уйда бажаришга мўлжалланган ишни имкон қадар хатосиз бажаришларига шароит туғдиради. Мустақил ўрганиш керак бўладиган адабиётлар рўйхати ҳам қўлланмада келтирилган.

Ўқув режасига биноан сиртқи бўлимда фанга ажратилган соатларнинг 70% мустақил иш бажаришга ажратилган

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ

Сиртқи бўлим талабалари учун фанлар бўйич мустақил ишларни бажаришлари кўзда тутилган. Шу сабабли талаба сессия даврида келгуси семестргача бажаришлари лозим бўлган мустақил топшириқлар мавзуларини олишлари керак. Мустақил топшириқларни бажаришдан кўзда тутилган мақсад талаба аудиторияда ўрганишни бошлаган мавзуларни мустаҳкамлашдан иборат. Талаба берилган топшириқни бажаришдан олдин ушбу соҳага доир адабиётларни, услубий тавсияларни қараб чиқиб сўнг ишга ўтиришлари тавсия этилади.

Топшириқларда чизилиши керак бўлган расмлар, қораламалар энг кам миқдори берилган. Шу сабабли талабалар имкон борича кўпроқ иш бажаришлари келгусида уларнинг бадиий малакаларининг ошишига хизмат қилади

Бажарилган мустақил ишлар белгиланган талабла асосида безатилади. Барча топшириқлар тўпланиб папка холига келтирилади. Папка қалин қоғоз ёки картондан ясалади. Папка юза қисмида ўқув даргоҳи номи, факультет, кафедра номи. талаба исми-шарифи. бажарилган вақти кўрсатилади. Бажарилган ҳар бир ишга талаба исми-шарифи, курс гуруҳи, топшириқ номлари тартиб рақами ва бажарилган вақти кўрсатилади.

Агар мустақил иш қониқарсиз баҳоланса талаба кўрсатилган камчиликларни тузатиши, керак бўлса ўша натурани қайта чизиб такрорлаши ва баҳолашга топшириши керак.

Агар талаба мустақил топшириқларни ўз вақтида топширмаса рейтинг назоратига киритилмайди.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида талабаларнинг мустақил билим олишига алоҳида эътибор берилган. Шу сабали ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган таълим стандартларида ҳам ўқув машғулотларининг 30 фоизи мустақил билим олишига қаратилган. Кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири талаба мустақил равишда изланиши, керакли адабиётлар устида ўтириши ва белгиланган топшириқларни амалий равишда эгаллаб, юкори даражадаги касбий маҳоратга эга бўлиши, дунё қараши, тафаккури ва тасаввурларини кенгайтиришдан иборатдир.

Сиртқи бўлим қаламтасвир фанида ҳам талабаларнинг мустақил билим олишлари учун қатор мавзулар ажратилган. Ушбу мавзуларнинг аксарият қисми тасвирий фаолият психологияси билан боғликдир. Мустақил билим мавзулари талабаларда кўриш хотирасини мустаҳкамлаш, тафаккури ва тасаввурини кенгайтириш, идрок этиш ва сезгилари, кўникма ва малакаларини ошириш, хаёл ва ижод назариясининг умумий масалаларини ечиш, шахснинг эмоционал-иродавий сифатларини ошириш, майл, қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган.

СЕССИЯ ЖАРАЁНИ:

Ҳар бир семестрда талабалар мазкур фан асослари бўйича дастурда белгиланган режа асосида назарий ва амалий билим оладилар

Фан бўйича ўтказиладиган рейтинг талабанинг аудиторияда ва уйда мустақил бажарган ишлари якуни бўйича қўйилади. Агар талаба қониқарсиз баҳо олса, у мазкур семестр учун мўлжалланган ишларни тўлиқ ҳажмда қайта бажаради.

Имтиҳон талабанинг белгиланган мавзу бўйича аудиторияда ва уйда мустақил бажарган ишлари, бу билан бир қаторда расмдан бажарган туркум қораламалари ва эскизлари асосида ҳамда талабаларнинг мустақил билими якунлари сифатида назарий мавзу ва амалий топшириқларни қай даражада эгаллаганликларини ҳисобга олиб рейтинг усулида баҳоланади.

Талаба тавсия этган ишлар кафедра мудири бошчилигида тузилган етакчи ўқитувчи ва мутахассислар томонидан баҳоланади.

ИШ ДАСТУРИ (СИНОВ КУРСИ)

№ Мавзу	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил билим
1. Қалам тасвир фанини ўқитиш вазифалари. Иш жойини жиҳозлаш. Материаллар. Қаламтасвир тасвирий санъатнинг асоси.	2 с.		
2. Расм чизишда кетма-кетлик. Конструктив тузилиш. Нисбатлар. Расмда перспектива. Қаламтасвирда соя-ёруғликлар қонуни. Тус муносабатлари.	2 с.		
3. Каркасли моделни чизиш асосида геометрик фигураларни расмини чизиш (куб, шар, конус ва ҳ.к.) (288x407мм қоғоз)		2 с	
4. Гипсдан ясалган оддий нақш расмини бажариш (407x288мм)		4 с.	
5. Гипс нақш иштирокида оддий натюрморт бажариш (407x288мм).		4 с.	
6. Текис фонда капитал расмини чизиш (407x288 мм қоғоз).		4 с.	
7. Давид бош қисми деталларини бажариш (кўз, бурун, оғиз, қулоқ 407x288 мм қоғоз)		6 с.	
8. Гипсли бош қисми расмини бажариш (обрубовка)		4 с.	
9. Кийинган киши гавдасини қораламалари (15-20 мин. ишлар) (натура,хотира, тасаввур)			2 с.
Жами:	4 с	24 с	2с

ҚАЛАМТАСВИРНИ ЎҚИТИШ ВАЗИФАЛАРИ

Қаламтасвир бадиий педагогик таълим тизимидаги асосий, етакчи фан бўлиб ҳисобланади.

Қаламтасвир "рисунок" сўзи старославян тилидан олинган бўлиб, образ яратиш, чертеж, чизиш деган маъноларни англатади. XVIII асрдан бошлаб, "рисунок" термини чизиқлар, штрихлар ёрдамида образ яратиш, унинг шаклини, ҳаракатини, тузилишини ўрганиб тасвирлаш деган маънога эга бўлди.

Расм билан чизма орасида қандай фарқ бор деган табиий савол туғилади. Бунда энг аввало, тасвир чизма асбобларисиз бажарилиши, чамалаб бажарилиши, унда материаллик, ҳажм, ёруғлик, соя, кенглик кўрсатилиши билан фарқланади. Шу билан бир қаторда қаламтасвир нафақат тасвирлабгина қолмай, томошабинда фикрлаш, ҳис қилиш каби ҳолатларни туғдиради. Расм ўз мақсадига кўра иккига бўлинади:

1. Академик-ўқув расми - бу предмет ва нарсаларни ёки улар тўпламини, ҳайкалларни умуман олганда ўрганиш учун чизилаётган расмларга айтилади.

2. Ижодий расм - рассомнинг дунёқарашини, сезгиларини, фикрларини образли қилиб тасвирланган тасвирий санъат асаридир. Қалам билан борлиқни идрок этиш жараёнида сиртқи бўлим талабалари маълум техник кўникмаларга эга бўладилар, чунончи натурадан, хотира, тасаввур асосида расм бажариш жараёнида уларнинг фазовий ва бадиий фикрларини ривожлантириш вазифалари бажарилади. Расмни ўргатишнинг асосий шакли бўлиб натурадан ишлаш, яъни нарсани ўзига қараб расм чизиш ҳисобланади. Натурадан ишлаш бўлажак педагог-рассомнинг кўриш хотираси ва кузатувчанлик хусусиятини такомиллаштиришда катта рол ўйнайди.

Педагог-рассом тайёргарлигида фақат расм чизиш амалий кўникмаларни эгаллаш билан чегараланиш эмас, балки унинг назарий асосларини ҳам тўлиқ ўзлаштиришдир.

Мактаб ўқитувчиси учун чуқур назарий билимга эга бўлиш ва болаларга расм чизишни қоида-қонунларини сабот билан ўргатиш ёшларни бадиий таълим ва нафосат тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Биринчи курсдан бошлаб қаламтасвир бўйича ўқув ишлар перспектива, пластик анатомия каби илмий билим асослари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан биргаликда талабалар ўқитувчи раҳбарлигида ва мустақил равишда қаламтасвирдан услубий ўқув адабиётларни ўрганишлари мақсадга мувофиқдир. Талабаларни расм бажариш жараёнида дидактик

принципнинг асосий қоидаларидан бири кетма-кетликни қўллашга ўргатиш зарур. Бу ҳақда XIX асрнинг буюк рус рассом-педагоги П.Чистяков шундай деган эди:"Ҳар қайси иш доимий тартибни талаб этади, талаб этадики - иш ўртасидан ёки охиридан эмас, балки энг бошидан, асосидан... ишда тартиб бузилиши зарар етказади, бутун адаштиради ва бузади..." Расм асосларини ўрганиш жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари натура (нарсанинг ўзига қараб), хотира, тасаввурдан чизишни ўрганади. Расм чизишни ўрганишда чизиқли перспектива қонунларини ўрганиб амалиётта қўллаш ҳам бениҳоят муҳим рол ўйнайди, айниқса 1 курсда кузатиш перспективаси асосларини эгаллаш жуда муҳимдир. Шу билан биргаликда талаба профессионал ва услубий тайёргарлигида предметларни конструктив тузилиши қоидаларни ўзлаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

Қаламтасвирдан ўқув дастури сиртқи бўлим талабалари учун маълум педагогик тизимга келтирилган топшириқларни бажаришга қаратилган. 1 семестрда расмдан ўқув топшириқлар гипсли (ганч) моделларни ишлашни назарда тутган. Бу оддий геометрик фигуралар (куб, конус, шар, цилиндр ва ҳ.к) гипсли нақш (орнамент) одам боши моделининг қисмлари (кўз, қулоқ, бурун) қадимги классик ҳайкал - Микеланджелонинг "Давид", ва бошқа антик моделлари. Шу билан биргаликда дастурга турли хил қисқа муддатли расмлар бажариш ҳам (наброска, эскиз) киритилган.

Геометрик жисмларни маълум бир композицион гуруҳга тузиб чизиш талабаларга расм ўргатиш қоидаларини (перспектива, конструктив тузилиши, соя-ёруғ тарқалиши) ўрганишга ёрдам беради. Келажакда талабалар мураккаб жисмларни конструктив тузилиши қоидаларни тушуниш ва ўзлаштиришга мазкур топшириқлар асос бўлади.

Гипсли нақшларни тасвирлаш мазмуни-бу перспектива ва соя назариясини амалиётга қўллай олишга қаратилган. Антик ҳайкалларнинг бош қисмларини тасвирлаш одам анатомиясини чуқур ўрганиш ва расм бажариш амалиётида қўллаш билан боғлиқ.

1 курс талабаларига қаламтасвир асосларини ўргатишда алоҳида ўрин натюрмортларни тасвирлашга ажратилган.

Натюрморт французча сўз бўлиб, турли буюмлардан тузилган, маълум бир маънога эга, композиция тузилиб қуйилган нарсалардир. Аниқ, таржимаси "жонсиз" табиат дейиш мумкин. Натрюморт асосида расм қоидаларни ўрганиш барча бадиий мактаблар усулида қадимдан бўлган. Бу борада Италия, Олмония, Россия каби Бадиий академияларни бой тажрибасини тилга олиш мумкин. Леонардо ва Винчи, Альбрехт Дюрер,

Ченнини Ченнино каби Ғарб Уйғониш даври буюк рассомлари классик мерослари ҳам шунга исботдир.

Натюрморт устида ишлаш жараёнида талабалар кузатиш перспективаси, нарсаларни конструктив тузилиши соя-ёруғ тарқалиши қоидалари ҳақида аниқ билим ва кўникмалар ҳосил этадилар, турли материаллар (шиша, металл, ёғоч, мато ва ҳ.к) фактурасини тус орқали ифодалашга ўрганадилар.

I-II семестрда ҳам қисқа муддатли расмлар бажариш мўлжалланган. Чунончи 1 семестрда одам қомати, қуш ва ҳайвонлардан набросқалар бажариш кўзда тутилган. Мақсад 1 курсдан бошлаб ҳаракатдаги объектларни тасвирлаб билиш, натуранинг асосий, типик ҳолатини бера билишни ўрганишдир. Шу қаторга хотира ва тасаввурдан қисқа муддатли расм бажариш ҳам киради.

ИШ ЖОЙИНИ ЖИҲОЗЛАШ, ҚАЛАМТАСВИР МАТЕРИАЛЛАРИ

Сиртқи бўлим талабалари учун қаламтасвир фанидан ўқув хонаси (устахона) бўлиши лозим. Мазкур бадиий устахона ёки ўқув хонаси қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур. Хонанинг деразалари шимолга қаратилган бўлса мақсадга мувоффиқ бўлади. Чунки қуёш нурлари моделни тус муносабатларини яхлит кўринишига халақит беради. Деразалар қуёш томонига қараса, шишаларни калька ёки юпқа оқ қоғоз билан ёпиш зарур. Оқ, енгил (шойи, чит) материаллар, парда ҳам мазкур ролни бажаради.

Қаламтасвир фани учун мўлжалланган хонанинг деворини ёруғ оч кул рангда, юқориси (потолок) оқ рангга бўялиши тавсия этилади. Бунда натура предметларининг сояси яхлит кўринади Кечқурунги расм машғулотлари учун умумий ёруғликдан ташқари махсус лампа рефлекторлар зарур. Кундузги дарс машғулотларида натурага кучли ёруғлик ёндан (чап ёки ўнг) томон ёки юқори томондан ёритилса унда предметнинг шакли аниқ кўринади. Махсус электр рефлекторлар (1-2-расм) турли тусдаги соя-ёруғ беришни имконниятини яратади.

3 расм.

1-расм. Электр рефлектор. 3-4 расмлар. Тагликлар.





4-расм

1-расм.

Бундан ташқари расм дарсларни самарали ташкил этишда қўйиладиган натура учун махсус стол бўлиши керак. Мазкур столчалар тирик натуралар (3-4 расмлар) ҳамда натюрморт қўйилишига мўлжалланган. Тирик натура (одам) учун столчанинг ўлчами тахминан 1х1 метр, баландлиги 0,5 м бўлиши зарур. Натюрмортлар учун эса столчанинг бўйи 60-70 см ни ташкил этадики, бунда қўйилган натура уфқ чизиғини пастига жойлашади.

Талаба расм чизадиган молберт, планшетлар намуналари, чизиш холатлари 5-расмда келтирилган.



5-расм.

Талабаларга узоқ, муддатли расм чизиш учун (студия) махсус планшет тайёрлаш ва планшетга ватман - формат тортишни ўргатилиши жуда катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда мавжуд ватман қоғозининг ярим ўлчамидан кичикроқ, ёғочдан енгил рамка тайёрланиб, устидан текис фанера майда михлар орқали мустаҳкамланади. Керак бўлса унга жилвир қоғози ва пемза билан ишлов берилади. Чизмачилик учун кичик планшет ҳам мақсадга мувофиқ. Тайёрланган форматнинг планшетга нисбатан ўлчами 2-3 см. каттароқ бўлиб четлари букланади. Букланган томонларидан ташқари қоғознинг ички қисми муйқалам ёки бир парча пахта орқали сув билан ҳўлланиб чиқилади. Қоғоз сувни ўзига тортгандан кейин, планшет қоғоз устига қуйилади қуруқ, букланган томонлари дурадгорлик (столяр) елими билан суртилиб, планшетнинг рейкаларига ёпиштирилади. Агарда қуригандан сўнг қоғознинг айрим жойлари бурилиб чиқса, уларни сув билан сал ҳўллаш керак ва қуришга вакт бериш зарур.

Бундан ташқари барча талабаларда қисқа муддатли расмлар бажариш учун (наброска) альбом бўлса, мақсадга мувофиқ, бўлади.

Қаламтасвирнинг асосий жиҳозлари сифатида қоғоз ва графит қалами ҳисобланади. Расмнинг сифатли чиқиши қоғоз тўғри танланишига ҳам боғлиқ. Танланган қоғознинг нави паст бўлса, расмни кўп вақт сақлаб бўлмайди. Қисқа вақтдан кейин у сарғайиб, букланиб қолади. Бундай қоғозда узоқ, муддатли расм бажариш ҳам қийину кўп қалам ва ўчирғич таъсирига чидамайди. Расм учун энг яроқли қоғоз-ватман, полуватман деб топилган.

Графит қаламлари (карандаш-турк сўзидан келиб чиққан:қала-қора tas ёки das-тош) каттиқ, юмшоқ, бўлади. Қаламнинг қаттиқ, ва юмшоқлиги махсус белги билан белгиланади. Сотувда турли хил графит қаламлари мавжуд. Масалан "Конструктор" "школьный". Охирги йилларда дўконларимизда Хитой қаламлари кенг ассортиментда таклиф этилмоқда. Қаттик ва юмшоқлиги шартли белги орқали белгиланади. Мисол "Конструктор" Т., "Кохинор" -В ҳарфлари билан, Т белгиси-қаттиқлик даражасини, "М"-юмшоқлик даражасини белгилайди. "М", 2 М, "В", 2В, 3"В" расм бажаришга, айниқса узоқ, муддатли постановка чизишга қулай. Т, ТМ қалами чизма бажариш учун яроқли қалам ҳисобланади.

2М, 2В оддий графит қаламлари ўқув расмларни бажаришда энг кўп қўлланиладиган материалдир. Қўлланмада келтирилган ўқув расмларнинг кўписи ҳам мазкур қаламлар билан бажарилган. Графит қаламнинг учи билан нозик, ингичка чизиқ, ўтказиб бўлса, унинг ён томони билан ажойиб шаклни ва турли материални ифодалайдиган штрих ўтказиб бўлади. Графит

қаламлари қисқа муддатли, тез қоралама расмларни бажаришда ҳам жуда қулай материал ҳисобланади. Графит қаламнинг камчилиги-узоқ муддатли академик расм бажаришда соя ишланмаларида ялтироқ тус беради. (7 расм).

"Итальян қаламларида" эса бундай камчилик йўқ.Шу учун ҳам аввалги (ХУП-XIX аср) бадиий мактаб ва академияларида аудитория ишлари мазкур калам билан бажарилган. Бундай қаламлар куйдирилган суяк ва ўсимлик елимидан тайёрланган. Афсус, итальян қаламлари охирги юз йилликда рассом тайёргарлик амалиётидан чиқарилган.

Яқингача мазкур юз йилликнинг 80 йилларигача сотувда "Ретушь", "Негро" каби қора қаламлар бор эди. Ҳозир бундай қаламнинг ўрнини Хитой графит қаламлари эгаллади.

Профессионал рассомлар тайёрлаш жараёнида расм чизиш учун материал сифатида куйдирилган кўмир ҳам (уголь) кўп қўлланилади. Мазкур материал катта ўлчамли қоғозда мойбуёқда бажариладиган картинанинг расмини бажаришда кўп қўлланилади. Кўмир билан бажарилган расм намунаси сифатида XIX асрнинг буюк рус рассоми В.А.Серовнинг "Шаляпин" портретини келтириш мумкин.(6 расм).

6-расм. А.В. Серов. Ф. И. Шаляпин портрети. 1905. Кўмир.

Махсус расм чизадиган "кўмир" дарахтларнинг турли навларидан тайёрланади. Кўмир билан ишлаш усули турлича бўлади. Унинг чуқур тусли хусусияти рассомларни жуда қизиқтиради.

Бундан ташқари расмга ўргатишда бошқа материаллар ҳам мавжуд. Булардан бири сангина, бўлиб французча "Sangineus" лотинча-sanguine қизил маънони билдиради. Сангинани Италия Уйғониш давридан бери рассомлар ижодий фаолиятларида қўллаб келмоқдалар.

"Бистр" материали ўз хусусияти билан сангинага яқин, фақат сангина кўп тусли қизил қалам бўлса, бист кўп тусли жигар рангли қалам бўлиб ҳисобланади.



7-расм. [illegible]

Юқоридаги материаллардан ташқари рангли қаламлар "соус" (кўмирнинг суюқ тури), тушь, пастель каби материаллар ҳам мавжуд. Ҳар қайси материалнинг ўзига хос хусусияти бор, уларни қўллаш биринчидан рассомнинг дид ва маҳоратига, қўйилган ўқув-ижодий вазифасига боғлиқ. Расм чизадиган материал танланган қоғозга ҳам тўғри келиши керак, чунончи қалам учун бир хил ватман керак бўлса, "кўмир" учун махсус текис бўлмаган қоғоз яроқли ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, барча материаллар ўз-ўзича қизиқарли бой имкониятларга эга. Улардан тўғри фойдалана билиш-бўлажак педагог-рассомнинг биринчи вазифаси бўлиб ҳисобланади.

РАСМ ЧИЗИШДА КЕТМА-КЕТЛИК. КОНСТРУКТИВ ТУЗИЛИШ

НИСБАТЛАР

Расм чизиш жараёнида талабага қалам воситаси ёрдамида бир қатор мураккаб вазифаларни бажаришга тўғри келади. Қоғоз текислигида ҳажмий шаклни тасвирлаш учун тасвирловчи натуранинг композицияси, тузилиши, шакли устида ишлаши керак, унинг атроф-муҳитдаги ҳолатини, ҳажмини соя-еруғ орқали ифодалаши зарур, умумлаштириш, типик томонларини ажратиш вазифаларини ечиши керак. Юқоридаги факторлар ишнинг бадиий таъсирчанлигини таъминлашини унутмаслик лозим. Демак расм чизишда маълум бир кетма-кетлик сақланмаса, мазкур вазифалар ечими рассом учун анча мураккаблашади.

Тасвирий санъат ўқитиш услубиёти замонавий педагогика фани ютуқларига асосланган. Мазкур фаннинг дидактик асосларидан бири барча ўқув вазифалари маълум бир кетма-кетлик билан ечилишидир. Шундай қилиб расм бажариш жараёни ўзининг бошланиши, давоми ва якунига эга. Бошкача айтганда нарсанинг ўзига қараб расм чизишнинг босқичлари мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Расм чизиш жараёни жой танлашдан бошланади. Танланган жой, яъни кўриш нуқтаси қуйилган нарсанинг шаклини, ҳажмини, фон билан боғлиқлигини тўла намойиш этиши керак, ёки "яхлит тили" таъминланиши зарур. Кўриш нуқтаси тўғри танланганлиги натурани анча ҳажмли, аниқ, ифодаланишини таъминлайди. Ишнинг биринчи босқичида чизилаётган нарсани қоғоз текислигига композиция нуқтаи назаридан тўғри жойлаштирилиши керак.

Расм қоғозга нисбатан жуда катта ёки жуда кичик, ўнг ёки чап томонга сурилган бўлмаслиги керак. Жойлаштириш тажрибасига эга бўлмаган талабалар ўрганиш жараёнида видоискателдан фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлади (8- абвг расмлар).





8 расм

Расмнинг композициясини (лотинча-ижод этиш, тузиш) тузганда ёруғлик тушишини, предметларнинг рангини, тусини, катта-кичиклигини, уфқ чизиғига нисбатан қандай жойлашганини ҳисобга олинади. (9 расм).



9-расм. Кубнинг горизонт чизиғига нисбатан ҳолатлари.

Тажрибасиз мусаввирнинг типик хатоси чизиш учун қуйилган бир гуруҳ нарсани мисол, натюрмортни ҳар бир предметини алоҳида чизмоқчи бўлади. Табиийки, расм қоғозга сиғмай қолиши мумкин ёки аксинча қоғозда кўп бўш ўрин қолади. Шу учун енгил чизиқлар билан расмнинг умумий кўриниши қоғоз текислигида белгиланади, умумий эни, баландлиги, узоқ, яқинлиги. Сўнг натурада мавжуд нарсанинг бир-бировига нисбатан ўлчам муносабатлари аниқланади. Албатта уфқ чизиғи эсдан чиқмаслиги керак.

Қуйилган натюрмортни қоғоз текислигида умумий чегаралари аниқлаб қуйилса, рассом шу билан ўзига аниқ композицион вазифа қуйган бўлади. Шу босқичдан бошлаб композиция ичида жойлашган предмет шаклларини бир-бировига нисбатларини топган ҳолда чизиш бошланади.



10-расм. Куб расмини чизиш.



а *б* *в* *г*

12 расм. Натюрморт бажариш бос[illegible]

Бажарилган расм аниқ, жонли, натурали табиатга яқинроқ, ифодаланган бўлиши учун расм чизиқларига катта эътибор берилиши керак. Дарҳақиқат, қаламтасвирда чизиқнинг роли катта. Нафис чизиқ, рассомга кўп пластик ва фазовий вазифалар ечимини таъминлайди.

Шакл, ҳажм, соя-ёруғсиз ҳам бемалол кўрсатилади. Мисол қилиб рус рассоми В.Серовнинг ишини кўришимиз мумкин. (13 расм). Шу учун тасвирий санъатда чизиқни фазовий чизиқ, деб номлайдилар. Айниқса бундай чизиқлар тез муддатли расмларда унумли ишлатилади.

В.А.Серов. Балет устаси Т.П. Карсавина портрети

Конструкция, предметни конструктив тузилиши деганда унинг қисмлари ўзаро нисбатан жойлашганлиги ва бир-бирови билан алоқадорлиги тушунилади.

Асли конструкция сўзи "тузилиш" маъносини билдиради. Конструкция табиатдаги ёки инсон яраттан барча предметларга бевосита тaaлуқлидир. Шуни ҳисобга олиб, рассом борлиқни идрок этиш учун энг аввало оддий жисмлардан бошлаб уларнинг тузилиши қоида-қонуниятларини англаши зарур. Мазкур куникма нарсанинг ўзига қараб расм чизиш жараёнида ҳосил бўлади. (14 расм).

Конструкция тушунчасини ўзлаштириш оддий геометрик фигуралар, геометрик жисмлар гуруҳи, натюрмортлардан бошлаб тасвирий санъатда энг мураккаб бўлиб ҳисобланган одам фигураси билан якунланади.

Предметларнинг тузилишини тасвири перспектив қоидалар билими билан чамбарчас боғлиқ.

Предметларнинг тузилишини англаш ва тасвирлаш пропорция (ўлчам) тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Ҳар қайси нарса уз ўлчамига боғлиқ;. Тасвирий санъатда ўлчам метр ёки сантиметр билан эмас, кўз билан чамалаш орқали ўлчанади. Шунинг учун ҳам "пропорция" ўлчамлар нисбати термини қўлланилади. Мисол-ўрта ёшли одамнинг боши қоматининг умумий ўлчамини 1/8 қисмини ташкил этади. (15 расм)



Микеланджело Одам фигураси нисбатлари

Бош юз навбатида уч қисмга бўлинади-пешона, бурундан иякгача. Кўз ўртасидан шартли чизик, бошни тенг икки қисмга бўлади. (16 расм)



16- расм.

А. Дюрер. Бош конструкцияси тасвири

Демак, пропорционал тўғри чизиқ, бу ўлчам нисбатларини тўғри топишдир. Бу гап қаламтасвирда ифодаланадиган барча объект-натюрморт, манзара портрет ва ҳ.к. таалуқлидир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, "пропорционал муносабат" термини тус, ранг муносабатларида ҳам ишлатилади. Дарҳақиқат, тус муносабатларининг ўлчамини "тус масштаби" деб ҳам айтилади.

Рассом Н.Ге пропорция ўлчами ҳақида ажойиб гап айтган эди:"Чизиш-ўлчаш муносабатларини кўришдир". Ўлчам муносабатларини ўрганишнинг бошланиш босқичида "визирование" усули билан текшириш мумкин. Бу усулни қўллаш жуда осон. Узатилган қўлга нисбатан қалам перпендикуляр ҳолатда ушланиб, натурани бир томони қадам узунлиги билан рассом ўтирган жойдан ўлчанилади. Натуранинг маълум бир томони, масалан баландлиги қаламда катта бармоқ, тирноғи билан белгиланиб, натуранинг эни баландликка нисбатан ўлчаниб қоғозда белгиланади. Аммо визирование усули натюрморт каби нарсаларни пропорционал ўлчамларини аниқлашда унумли усул бўлса, тирик натура чизишда халақит беради. Шунинг учун мазкур усулни доимо қўллаш тавсия этилмайди. (17расм)



17 расм Натурани ўлчаш

РАСМДА ПЕРСПЕКТИВА

Маълумки, нарсаларнинг шакли ва ўлчамининг катта-кичиклиги ўзгариши уларнинг узоқ-яқинлиги ва ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун қоғоз текислигида ҳажмли нарсанинг унинг фақатгина ташқи кўринишини чизишдагина эмас, перспектив ўзгариш қоидаларини тушунишни ҳам талаб этади.

Ҳажмий шаклни тасвирлаш-бу тасвирловчи, тасвирланаётган предмет ва атроф муҳит алоқаларини аниқлаш натижасидир.

Ҳажмли предмет атроф-муҳит (среда-рус)дан маълум текисликлар, қирралар ва учлари билан ажралиб туради. Атроф-муҳитни предметлар ва фон ташкил этади. Предмет текислиги-биз чизаётган ҳажмли предмет жойлашган горизонтал текисликдир. Расм чизишда предмет текислиги бу ер, стол-усти, натура қўядиган ва х.к.

Икки ўлчамли қоғозда (картина текислиги) биз предмет *текислигини*

18 расм. Перспектива

ифодалаш орқали чуқурликни, узоқ планларни кўрсатишга эришамиз

Атроф муҳитнинг элементи-фон ҳисобланади. Фон тасвирланаётган нарсани ажратиб туради. Фон текис ёки чуқур фазо бўлиши мумкин. Картина текислигида ҳажмли шаклни чизиш, биз фазовий эркинлик, чуқурликни кўрсатмоқчи бўламиз. Бу учун қуйидаги перспектива қоидаларни билиш зарур:

Перспектива сўзи—французча термин бўлиб Isperspektive узоққа қараш, юнонча эса perspictor ойна орқали тўғри ва аниқ кўраман деган маъноларни билдиради. Умумий қилиб олганимизда, перспектива бу тасвирий санъатни грамматикаси дейишимиз мумкин.

Перспективага оид бошланғич маълумотларни биз Анаксагора (э.а. 500 йил олдин), Демокрит (э.а 460-370 й.), машҳур астроном Птоломей ва бошқалар ишларида ҳам учратамиз.

Уйғониш даврининг буюк сиймоси италиялик машҳур рассом ва олим Леонардо да Винчи (1452-1519) перспективага оид жуда кўп ишларни бажарган. У табиатни кузатар экан перспективада уч йўналиш борлигини аниқлаган. Биринчиси, бир хил катталикдаги нарсалар узоқлашган сари, бир тўғри чизиқ, буйича кичрайиб боришини ўрганиб, буни чизиқли перспектива деб номлади. Иккинчидан, нарсаларнинг кузатувчидан узоқлашган сари ҳаво таъсири остида уларнинг ранги ўзгара боришини аниқлади, учинчидан, нарсаларнинг чегаралари чизувчидан узоқлашиши натижасида аста-секин хиралашиб боришини кузатди.

Ушбу маълумотлар асосида у "перспектива тасвирий санъатнинг рулидир" деб бежиз ёзмаган эди.

Кўриш нуқтаси. Расм чизишда кўпинча иш тўрт нуқтадан бажарилади: юқори ён томони, паст ён томони, юқори ўнг томони, паст ўнг томони. Мазкур кўриш нуқталари чизиқли перспективани аниқ кўрсатишга имкон беради.

УФҚ чизиғи (горизонт чизиғи) уфқ чизиғи орқали картина текислигида тасвирланаётган предметнинг ўрни топилади. Уфқ чизиғи доимо расм чизаётганнинг кўзи ўртасида бўлади. Уфқ чизиғи предмет текислигини иккига-паст, баланд қисмга бўлади. (18 расм)





19 расм Перспектива

Уфқ чизиги ўртасида, яъни тўғри қараганимизда кўринадиган барча нарсаларнинг ўртаси уфқ чизиғининг туташув нуқтаси (точка схода-рус) деб номланади.

Расмда бу ҳолат яққол кўриниб турибди. (18-19 расмда). Чуқурликка кетаётган темир йўли, телеграф таянчлари, тўғри йўлнинг четлари барчаси бориб туташув нуқтага тақалади. Узоқлашган сари мавжуд нарсалар кўзимизга кичикроқ, бўлиб кўринади. Перспектив ўзгараётган нарсаларни юқори ва пастидан шартли чизиқ, ўтказганда, мазкур шартли чизиқлар бориб уфқ чизиғининг туташув нуқтасига тақалади.

Чизиқли перспективадан ташқари тасвирий санъатда фазовий перспектива қонунлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳақда биз кейинги суҳбатларда фикр юритамиз.

ҚАЛАМТАСВИРДА СОЯ - ЁРУҒЛИКЛАР ҚОНУНИ. ТУС МУНОСАБАТЛАРИ

Расм бажарадиган талаба олдида албатта нарсанинг ҳажмини ифодалаш "ўхшашлиги" вазифаси туради. Мазкур вазифани муваффақиятли бажарилиши шакл ва ҳажмни соя-ёруғ воситалари орқали кўрсатиб билишга боғлиқ. Бунинг учун ҳажм, "шакл" тушунчасини билиш муҳим ўрин тутади.

Барча предметлар уч ўлчам: бўйи, эни ва баландлиги орқали аниқланади. Демак, нарсанинг ҳажми деганда уни текисликлар билан чегараланган уч ўлчамли катталигини тушуниш керак. Шакл-бу предметнинг ташқи кўриниши, яъни рассом ўтирган жойдан нарсанинг кўринадиган томонлари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, тасвирий санъат билан шуғулланадиганлар олдида асосан ҳажмли шаклларни ифодалаш вазифаси туради. Демак, расм чизишда ҳажмли шаклни тасвирлаб билиш рассомнинг малакавий тайёргарлигида асосий ўрин эгаллайди, шу жумладан бўлажак рассом-педагоглар тайёргарлигида ҳам. Ҳажмий шаклни ҳис эта билиш, қаламтасвирнинг мавжуд чизиш усуллари, худди мана шу вазифани бажаришга қаратилган бўлиши керак.

Расм чизадиган кишига предметнинг кўринадиган шакли унинг ёруғи билан белгиланади, кўз орқали қабул қилинган шакл худди шундай рассом томонидан расмда такрорланади.

Ёруғлик, шакл бўйича тарқалиб, турли тусга эга бўлади —энг ёруғликдан тўқ соягача. Шундай қилиб, соя-ёруғлик деган тушунча пайдо бўлади. Мисол сифатида ёруғлик тушиб турган шар қаралса, ёруғлик манбаига

қаратилган шарнинг томони кўзга ёруғ бўлиб кўринади.(20 расм).

20 расм Шарда соя-ёруғликлар тарқалиши

Ёруғлик тушмайдиган томони-соя булади. Ёруғлик ва соя ўртасидаги текислик ёруғликни тўла акс эттирмаганлиги сабабли ярим соя деб номланади. Ёруғлик манбасидан тушадиган нурларнинг маълум қисми натура (мазкур ҳолатда шар) атрофидаги нарсалардан қайта натура соясига ўз аксини беради. Демак, тасвирий санъатда:акс ҳажмли шаклни ифодалаш зарур, элемент деса бўлади. Рассомлар аксни "рефлекс" деб номлайдилар. Ва ниҳоят, тушган соя мавжуд. Одатда, нарсаларнинг ёруғ томонида ялтироқ жой бўлади. Бунга мисол қилиб расмда курсатилган шарни келтириш мумкин. Тўғри текис шаклларга эса куб, пирамида ва ҳ.к. кўрсатиш мумкин. Соя-ёруғ чегаралари аниқ кўринади. Шар, цилиндр каби эгри текислик жисмларда эса соя-ёруғлик чегаралари аниқ эмас, ёруғлик



...м. Куб ва шар расмини чизиш



22-расм Соя-ёруғликлар тарқалиши

сояга қараб секин хиралашган ҳолда ўтади. Шуни айтиш керакки, ёруғлик ва акс тусининг кучи ёруғлик манбаи узоқ-яқинлигига боғлиқ. (21 расм).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, (22-расм) мисолида тасвирда барча соялар ёруғ тусларини қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш ўринли: ялтироқ қисми (блик), ёруғлик қисми, ярим соя (ярим тус) предметнинг сояси, акс (рефлекс) ва тушувчи соя.

Таҳлил қилинган соя-ёруғлик тарқалиши қоидаси нафақат оддий геометрик жисмларни тасвирлаш, балки турли материалдан (ёғоч, металл, шиша ва ҳ.к.) иборат бўлган натюрмортлар инсон, табиат тасвирида ҳам қўлланилади. Шу билан биргаликда атрофдаги борлиқнинг ранг-баранглиги, ёруғликнинг турли томондан тушиш интенсивлиги, юқорида келтирилган соя-ёруғлик қоидалари ижодий тарзда фойдаланишни талаб этади. (23-расм).



24 расм

Маълумки, ҳар қайси предметнинг ўзини ранги бор. Чунончи: помидор-қизил, бодринг-яшил, лимон-сариқ... Лекин помидор тўқ қизил, оч қизил, сабзи ранг бўлиши мумкин. Бодринг очиқ яшил, тўқ яшил, лимон тўқ сариқдан яшил тусли сариққача бўлади. Очиқ ҳавода ишлаган одам юзи билан, шаҳарда истиқомат қилувчи инсон юзининг туси ҳам фарқ қилади. Демак, рангнинг турли туси мавжуд. Шу учун ҳам қаламтасвирда, рангтасвирдаги каби тус термини мавжуд. Соя-ёруғ ва тус предметни ҳажмини кўрсатади, унинг материаллигини, фактурасини намойиш этади. Соя-ёруғлик, кучи, яъни предметларни тус даражаси қуйидагиларга боғлиқ:

а) Текисликдан ёруғлик манбасининг узоқ; яқинлигига;

б) Текисликка ёруғлик тушаётган нуқтаси (бурчаги)га;

в) Текислик ранги тўқлигидан;

г) Рассомга мазкур предметнинг узоқ-яқинлигидан.

Албатта, табиатдаги тус муносабатларини тўлиқ, ифодалаб бўлмайди. Рассом олдига бундай вазифа қўйилмайди. Чунки борлиқ, бениҳоят ранг-баранг. Борлиқни идрок этиш учун тасвирий санъатда тус масштаби қабул қилинган.

Дарҳақиқат, йирик нарсани чизганда, мисол учун дарахтни, рассом шартли масштаб орқали унинг ҳақиқий ўлчами кўринишини қоғозда чизади. Мазкур ҳолатда ўлчам-қоғоз формати, унинг маълум чегаралари, туснинг шартли масштаби эса қаламнинг, яъни қалам графитини кучи ҳисобланади.

Расмда асосий соя-ёруғ жойларининг чегаралари аниқланиб, тасвирловчи барча тус муносабатларини энг ёруғ ва энг соя орасида жойлаштиради. Энг ёруғ жойи (блик ёки ёруғ тушган текислик) бу оқ, қоғоз, баланд соя жойи қаламнинг тўла кучида ифодаланади. Шу учун ҳажмни кўрсатишда тус масштабининг роли жуда катта.

Тус масштабини белгилаш қўйилган вазифага боғлиқдир. Тасвирлаётган нарсанинг соя-ёруғи, ҳажми штрих ва тусли штрих (тушёвка) воситаси орқали ифодаланади. Штрихлар предметнинг шаклини таъкидлаши зарур.

Бошланғич ўқув расмларини сунъий-электр ёруғлигида бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки сунъий ёруғликда тасвирланаётган предметларнинг сояси аниқ ва равшан кўринади.

Табиий ёруғликда соялар, айниқса тушувчи соялар тарқалган бўлиб, мураккаб қўшимча соя, ярим тусли соялар ҳосил бўлиши мумкин.



Кўз расмини чизиш босқичлари



25 расм Капител расми

Жураев. Акмал



26 расм. А. Дюрер   Бош шакли таҳлили
(обрубовка)

Иш дастури (1 семестр)

№ Мавзу	Маъруза	Амалий машгулот	Мустакил билим
1.Антик даври хайкалтарошлиги намуналаридан бош қисмини чизиш қоидалари	2		
2. Гипсдан ясалган накш расмини чизиш		4	4 с.
3. Гипсдан ясалган геометрик жисмлар, нақшлар расмини хотира ва тасаввур асосида чизиш	2	4	4 с.

АНТИК ДАВРИ ХАЙКАЛТАРОШЛИГИ НАМУНАЛАРИДАН БОШ ҚИСМИНИ ЧИЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Қаламтасвирдан II семестр иш режасида антик даври ҳайкал намуналаридан бош қисмини чизиш асосий ўрин эгаллайди. Мазкур топшириқлар тирик натура, чунончи одам бошини тасвирлашга талабалар

Учун тайёрлов босқичи бўлиб ҳисобланади.

Рассом ва рассом-педагоглар тайёрлаш жараёнида бундай усул Италия, Олмония, Англия, Бельгия, Голландия, Россия бадиий марказлари академия, студия, бадиий мактабларнинг кўп аср бадиий тажрибасига асосланган.

Расм чизиш учун гипсли бошлар танлашнинг ҳам маълум кетма-кетлиги мавжуд. Одатда монументал (умумлаштирилган, катта-катта шаклларга эга бўлган) характердаги ҳайкаллар боши намунасидан чизиш тавсия этилади. Бу талабга Юнон (грек ҳайкаллари намуналари:«Дорифор»,«Нера», «Диадумен» каби гипсли намуналари жавоб беради. Кейинчароқ мураккаброқ моделлар-Рум ҳайкаллари Люция, Вера, Сеники ва бошқаларни чизиш тавсия этилади. Сўнг, II курсдан бошлаб Юнон ҳайкалтарошлик санъатининг "Зевс", "Геркулес", "Лаокоон", "Гомер", "Аполлон". "Гермес" дек ажойиб намуналари тасвирланади.

Бошнинг алоҳида кисмларини (кўзи, буруи, лаб, қулоқ) чизишга ўрганиш учун Италия уйғониш даврини буюк ҳайкалтарош-Микеланджело Буонароттининг "Давид" ҳайкали узоқ йиллар давомида ўқув қўлланма

2.



3

шаклини аниқлашдан бошланади. Бошнинг атроф-муҳитдаги перспектив ҳолати пешона ўртасидан ияк ўртасигача вертикал ва кўзларни белгилайдиган горизонтал чизиғи ўтказиш ёрдамида аниқланади.
(30 расм).

Моделнинг умумий баландлиги ва энини белгилаб, юзи, бўйин қисмини умумий шакли чизилади. Пешона бурун, оғзи, ияги бир-бировига нисбатан баландлиги ва эни ҳам чизилади. Қалам қаттиқ босилмаслиги керак. Чизиклар енгил, ўчирғич билан осон тузатиб бўладиган бўлсин. Ювнинг асосий қисмларини: кўзлар, пешона, бурун, иякни белгилаганда уларни ўлчамларини бир-бирига нисбатан солиштирилиши зарур.

Агар бу иш бажарилмаса, деталлар пропорция-ўлчамлари тўғри топилса ҳам бошнинг умумий шакли билан таққосланганда тўғри чиқмаслиги мумкин.

Ўз навбатида деталлар ўлчами бошнинг умумий шакли билан таққосланиши керак.

Ишлаб чиққан қоидаларни талабалар алифбодек билишлари керак.

Бу ҳақда улчамлар бобида айтиб ўтилган. Қошлар ўртасидаги нуқта бошни чизишда таянч нуқта сифатида қабул қилинган. Чунки мазкур нуқта барча шаклларнинг марказида жойлашган. Шунга нисбатан кўзларни, бурун текисликлари ва бошқа деталлари топилади.

Ишнинг иккинчи босқичи гипсли бош шаклини деталларини аниқроқ чизишдан иборат. Рассом-талаба ҳайкалтарошдек, қайта-қайта катта шакларга эътиборни бериши керак. Дарҳақиқат, хайкалтарош ишини детал, мисол, кўз ёки бурун ясашдан эмас, балки ҳажмни ташкил этган катта текисликлардан бошлаб ишлайди. Мазкур босқичда енгил соя киритилса, тасвир енгил ҳажмга эга бўлади, иш жараёни енгиллашади. Деталлар аниқроқ чизилади.

Гипсли бошни чизишнинг учунчи босқичи детал, шакл ва ҳажм устида аниқ, ишлаш ҳисобланади. Айниқса, деталларни тўлиқ тасвирлашга, уларни шаклини бошнинг умумий шаклига нисбатан ифодалашга бағишланади. Шуни айтиш керакки қаламтасвирда расм бажариш босқичлари шартлидир. Бу гап рангтасвирга ҳам тааллуқлидир. Босқич тушунчаси расм чизишни ўргатишда дидактик ёндашиш усулидир. Расм бажариш жараёнидаги вазифаларни ечишда босқич усули жуда катта самара беради. Айниқса, бўлажак педагог-рассом профессионал ва методик тайёргарлигида жуда муҳимдир.

Гипсли бош деталларини чизганда юзнинг ҳар қайси қисми ўз шаклига эга бўлганлигини эътибордан чиқармаслик муҳим. Мисол, буруннинг умумий ҳажмини тўртта текислик ташкил этади. Пастдаги текисликда бурун қанотлари, тешиклари, буруннинг учи ҳисобланади. Ҳар қайси деталнинг ўзини шакли бор лўнда, ўткир, ўтмас. Пешонанинг паст қисми-қошлар устини бешта текисликни ташкил этади ва ҳ.з. Шуни ёдда тутиш керакки, бошнинг кўп шакллари парали булади. Парали шаклларни алоҳида тасвирлаш тўғри эмас. Перспектив нуқтаи назардан уларни бирга чизиш керак, мисол учун иккита кўз, қулоқлар, пешона суяклари. Соя ёруғликлар мазкур босқичда тўлиқ ишланади. Соя-ёруғлик тарқалишини ифодалашда деталларни катта шакл билан боғлиқ, тарзда тасвирланади. Албатта, тус нисбатларига катта эътибор берилади. Гипсли бошни шакли ва хажмини ифодалашда штрих воситаси қўлланиши лозим.

Якунловчи босқич ишнинг таҳлили ва умумлаштиришига бағишланади. Мақсад шундан иборатки, бажарилган расм қуйилган натура ҳажми ва шаклини тўлиқроқ ифодалаши натурадек яхлит кўринишини ташкил этиши керак. Тасвирни натура билан таққослай олиш ўзи қилган хато камчиликларини топиб билиш-бўлажак рассомнинг, хусусан педагог учун жуда муҳимдир. Талаба қуйилган гипсли бошни қоғозда чизилгандек тасаввур эта билса, уни натура билан таққослаши, камчиликларини тугатиши осон бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, расм бажариш босқичлари сони натуранинг мураккаблиги тасвирловчи ўз олдида қўйган вазифага боғлиқ.

Расм бажаришда талаба энг асосий икки хусусияти эсдан чиқармаслиги зарур. Булардан биринчиси умумийликдан хусусийликка яъни деталларга ўтиш принципидир.

Бунда чизиладиган пармалашларни энг аввало деталларсиз, умумий шакл тўлиқ олиниб, сўнг майда элементларни бажаришга ўтилади. Чизилаётган предметларнинг қоғоз текислигида жойлашуви, уларнинг кўринмас томонларини хам топиш, кўриш тавсия этилади.

Иккинчи принципимиз бу хусусийликдан яъни деталлар ишловидан сўнг яна умумийликка қайтишдир. Умумийликдан деталлар ишловига ўтилганда ҳар бир бўлак алоҳида ишланади. Шу жараёнида деталлар ишловига берилиб яхлитликни унутмаслик лозим. Бу принципнинг қимматли томони ҳам шундаки, деталларни ҳар бирини бошқасига солиштиришимиз, соя-ёруғликлар нисбатини текширишимиз лозим. Бу тасвирлаётган нарсамизнинг ҳар бир деталлари қўшилиб яхлитликка хизмат қилади.

31 расм. Бошни турли эгилган ҳолатларда чизиш



Рис. 102



Рис. 103

52 расм гипсли нақш расмини чизиш

МУСТАҚИЛ ИШ

1—Топшириқ.Гипсдан ясалган геометрик фигураларни расмини кўриш. (407-288 мм қоғоз)

2—Топшириқ.Рузғор буюмларидан тузилган мураккаб бўлмаган натюрморт расмини чизиш (407-288 мм қоғоз)

3—Топшириқ.Кузатиш перспективасини қўлланган ҳолда рўзгор буюмларини чизгиларини бажариш. (201-288 мм қоғоз)

4—Топшириқ.Устачилик ва слесарлик асбобларини расмини чизиш. (201-288мм)

5—Топшириқ.Кийинган киши гавдасини қораламалари 10 та иш. (288х407 мм қоғоз)

Мустақил ишни бажариш юзасидан қисқача услубий тасвиялар

1 топшириқни бажариш учун ўлчами 407-288 мм бўлган қоғоз керак бўлади. Асосий ишга илова сифатида бир қатор қисқа муддатли қораламалар бажариш кўзда тутилган.

Бунда геометрик фигуралар (куб, конус, шар, пирамида, кўза, турли хил уй-рўзғор буюмлари ва ҳ.к.) горизонт чизиғига нисбатан турлича ҳолатлари перспектив қисқаришларини ҳисобга олган ҳолда чизилади. Асосий иш сифатида 2-3 та геометрик жисмлар ёки предметлар тўпламини жойлаштириб чизиш кўзда тутилган. Алоҳида эътиборни перспективага ҳамда соя-ёруғликлар тарқалиши қонунларига қаратиш зарур. Шу билан бир қаторда предметларни фазода жойлашуви ҳамда уларни тўғри қуришга эришиш зарур.

Ишни бажаришда кўзда тутилган асосий мақсад шундан иборатки, талаба чизаётган предметни нафақат ташқи кўринишини тасвирлаши, балки унинг кўринмас томонларини ҳам идрок этган ҳолда, тўғри қурилишига эришиш зарурдир.





33р

32-33 Расмлар

Кубнинг гипсдан ясалган моделини чизишдан олдин уни диққат билан кузатинг: Уни ташкил этган томонларига қирраларига, ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўлган соя-ёруғликлар воситасида қандай тасвирлашни кўз олдингизга келтиринг. Кубни горизонт чизигидан пастга жойлаштиришни унутманг. Уни қоғозингиз юзасига қандай тартибда чизишингизни, яъни композицион нуқта назардан тўғри тасвирлашни чамалаб кўринг. Кубнинг энг катта ўлчамларини қоғозга белгиланг. Кубни ташкил қилган қирраларни симдан ясалган модел деб фараз қилиб уни конструкциясини топинг. Кубнинг бизга яқин турган томони ўз ўлчамида бўлиши, узоқлашган томонлари қисқаришини эсдан чиқарманг. Бу учун перспективадан олган билимингизни қўлланг. Чизилаётган тасвирларни қаламни қаттиқ босмасдан чизинг. Кубни чизиб бўлмаган сўнг ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўлган ҳажмни штрих, тушовка-ёрдамида беринг. Диққат билан қаранг, кубда бирор-бир қирра чизиқ билан ўраб олинмаган. Ҳажмни беришда тус масштабини қабул қилинг ва шу асосида соя, ёруғлик, ярим соя, тушувчи сояларни бир-бирига нисбатан солиштирган ҳолда беринг. Ишни якунлаш олдидан умумлаштирилади, тўқ жойлар пасайтирилади ва аксинча кучайтирилади.

2 топшириқ ҳам 407-288 ўлчамли қоғозда бажарилади. Энг биринчи навбатда натюрморт учун шакли ортиқча безаксиз, мураккаб бўлмаган буюмларни танлаш керак. Шундан сўнг натюрморт тузиш қоидаларини қўллаб натюрморт тузиш керак.

Натюрмортни қоғозга жойлаштириш учун кўриш нуқтасини танлашга алоҳида диққатни қаратиш ишнинг муваффақиятли чиқишининг гаровидир.

Шу билан бир қаторда қизиқарли ҳамда характерли композиция танлаш керак. Бу учун машҳур натюрмортнавис рассомлар ишларини репродукциялари билан танлашиш фойдадан холи эмас. Ишни бажариш расм учун асосий бўлган принцип умумийликдан алоҳидаликка ҳамда алоҳидаликдан умумийликка қайтиш қоидасига асосланиши керак. Ишни бажаришда натуранинг қандай қоғозга жойлаштирилганлиги, фазодаги

ўрни, перспектив қисқаришлари ҳамда соя-ёруғ қонунларининг ечими, нисбатлар алоҳида эътиборга олинади.

Ишда энг асосий вазифалардан бири натюрмортни қоғозга қандай жойлаштирилганлиги ҳам катта ўрин тутади. Чунки, чизилган бир нарсани қоғозга вертикал ёки горизонтал жойлаштирилиши турлича кўринади.

Тасвирланаётган натюрмортни пухта ўйлаб тузиш керакки, у табиий чиқсин. Масалан уй-рўзғор буюмлари гуллари мусиқа асбоблари, спорт анжомлари ва ҳ.к.

Фон сифатида ялтироқ бўлмаган, безаксиз, бир хил тусга эга бўлган мато ортиқча бурмаларсиз, текис қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Иш тўлиқ барча деталлари ҳам ишланган ҳолда топширилади.

3 топшириқ, ўлчами 204х288 мм формат қоғозларда бажарилади.

35-расм

Тахминий мавзулар стол, стул, шкаф, челак, парта ва ҳ.к. ишлар сони 6-7 та. Ишни бажаришда асосий максад кузатиш перспективасини амалда қуллаш ҳамда уни урганишдир. Иш конструктив характерга эга булиб соя-ёруғликлар ишлатилиши кузда тутилмаган.



38 расм. Стул расмини чизиш босқичлари

37 расм

4 топшириқ ҳам юқоридаги топшириқ каби алоҳида кичик қоғозларда бажарилади. Қораламаларни бажаришдан асосий мақсад талаба натурани борлиқни кўришини ривожлантириш, натуранинг асосий характерли белгиларини аниқлаш, композицион жойлаштириш, нисбатларни аниқ топиш, конструктив жиҳатдан тўғри қуришдир.



36-расм

5 топшириқ бажарилиши

Қоралама-бу қисқа муддатда бажариладиган (2-10 мин) расм ҳисобланади. Қораламалар узоқ муддатда чизишга мўлжалланган расмлар чизишда мавзули расмлар бажаришда катта ёрдам беради. Қораламалар устида ишлаш кузатувчанликни ривожлантириш, асосий нарсани тез илғаб олиш, шаклни ва унинг характерли хусусиятларини осон аниқлашга имкон яратади.

Қораламалар бажаришни ўрганишда доимо расм чизишни канда қилмасликни эслатиб ўтмоқчимиз. Сизни қизиқтирган ва йўлингизда учраган барча нарсаларни:алоҳида предмет, мебел, манзара, қуш, ҳайвон, инсон ва ҳ.к чизинг. Алоҳида эътиборни инсон гавдасини чизишга қаратинг. Чунки инсон қомати тузилиши мураккаб ва у фақаттина кўп машқ қилиш жараёнида нисбатларини тўғри топиш ва ҳаракатларини аниқ бериш мумкин.

Бу топшириқ ўлчами 407x288 мм қоғозда бажарилади. Ишлар сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак. Ишни бажариш жараёнида асосий эътибор натурани қоғозга жойлаштиришга, инсон гавдаси нисбатларини тўғри топиш ҳамда тасвирлашга қаратиш зарур. Ишни бажаришдан асосий мақсад талаба тез, қисқа муддат ичида натуранинг умумий холатини, харакати ва характерли томонларини кўриш ва бажаришга ўрганиш кўзда тутилган.

39расм Коралама

40 расм Кийинган киши қораламалари

ИШ ДАСТУРИ (2 СЕМЕСТР)

№ Мавзу	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил билим
1. Қисқа муддатли расмлар, хотира ва тассавурдан расм чизиш. Кийинган киши гавдаси чизгилари.	4		
2. Давид маскасини расмини чизиш.		4с	
3. Антик давр ҳайкалтарошлиги намуналаридан гипсли бош расмини чизиш.		4с	2
4. Кийинган киши гавдаси қораламалари (натурадан, хотира, тасаввурдан).			2

2 с 8 с 4 с

ҚИСҚА МУДДАТЛИ РАСМЛАР ХОТИРА ВА ТАСАВВУР АСОСИДА (РАСМ ЧИЗИШ)

Узоқ муддатли, академик топшириқлар чизиш билан бир қаторда қисқа муддатли расмлар (наброска, тезкор расм) бажариш тасвирий санъат ўқитувчиси тайёргарлигида катта ўрин эгаллайди. Қисқа муддатли расмларнинг вазифаси имкони борича қисқа вақт ичида расмдаги энг типик ҳолат ва характерни ажратиб ифодалашдир. Бундай расмлар катта академик топшириқни бажаришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Айниқса энг қизиқарли кўриш нуқтасини танлашда, тус масштабини аниқлашда ва х.к. Қоралама орқали рассом ҳаётдаги ранг-баранг лавҳаларни ўз альбомига туширади. Шу билан рассомнинг бадиий образ орқали фикрлаш хусусияти шаклланади. Тўпланган наброска, эскиз (қоралама) келажак диплом ишини яратишда бебаҳо ёрдам кўрсатади.

Қисқа муддатли расмлар айниқса олий бадиий педагогик таълимда мухимдир. Чунки расм ўқитувчиси синф доскасида тез ва сифатли расм бажариши унинг профессионал малакасини кўрсатади. Наброска намунаси сифатида ажойиб, қисқа муддатли расм И.Репиннинг "Дам олиш" ишини келтириш мумкин (41 расм).

Мусаввир [illegible] ҳаётини айённиг [illegible] бадиий [illegible] яратган [illegible] санъат ўқитувчиси тайёргарлигида хотира ва тасаввурдан расм чизиш [illegible] ўрин эгаллайди

жуда керак, хусусан сиртқи бўлимда ўқиётган талабага. Ўзидан расм чизиб билиш ўқитувчи учун зарур сифатдир. Мактабнинг тасвирий санъат дарслари дастури мавзули расм бажаришга катта аҳамият беради. Хотира ва тасаввурдан чизиб билмаган ўқитувчи рассом педагогик ва ижодий фаолиятда маълум натижага эришиши қийин. "Ўзидан" расм чизиш қобилиятига кўпчилик эга эмас. Бундай хусусиятни тарбияламоқ лозим.

Хотирадан расм чизиш бу олдин расм чизганни ёки кўрганни (имкони борича қайта қоғозда такрорлаш бўлиб ҳисобланади. Кўриш хотирасини ривожлантириш учун, махсус психологик тест ва топшириқлар мавжуд. Расмда энг оддий йўли-аудиторияда чизилган академик топшириқни хотирадан қисқа вақтда қайта чизиб такрорлашдир. Хотирадан чизган модел ва академик расм рассомнинг кўз олдида бўлмаслиги шарт.

Бу ишни оддий геометрик жисмлардан бошлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Топшириқлар секин-аста мураккаблашиши керак.

Тасаввурдан расм чизиш ҳам кўриш хотирасига асосланган бўлиб рассом ўз онгида турли нарсаларнинг кўриниши ва ҳолатини қайта яратиши лозим ва тасвирий санъат қоидалари асосида ифодалаши керак. Тасаввурдан расм чизиш қобилиятини ривожлантириш йўли расмдан машқ бажариш бўлиб ҳисобланади уларнинг мазмуни натурадан чизиб, тасаввурдан бошқа кўриш нуқталардан турли ҳолатларда мазкур натурани такрорлашдир. (42-расм).



42 расм

Кийинган киши комати чизгилари.

Расмга ургатиш жараёнида инсон гавдасини тасвирлаш мухим урин тутади. Бу турдаги ишларни бажариш талабадан маълум тайёрланганликни, пластик анатомия ва перспективани билишни талаб этади. Куп холларда талаба инсон териси остидаги анатомик тузилишни билмасдан шаклни соя ёруғликларини ишлаб натуранинг ташқи куринишига эътиборни қаратадилар. Бу эса инсон гавдасининг конструктив тузилиши, унинг ҳаракатланиш механизмини тасвирлашда хатоликка олиб келади. Шу сабабли одам расмни чизишни урганиш жараёнида инсон тузилишини урганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инсон тузилиш бош суяги, тана, қул ва оёқ суякларидан иборат булиб узаро умуртқа суяги орқали бир-бири билан боғланиб туради

Инсон гавдасини чизиш жараёнида энг аввало тасвирланаётган объектни нигоҳ билан тулиқ қамраб олиш, унинг ҳаракат пластикасини, нисбатлари ва характерли томонларини қамраб олишимиз зарур. Сунгра олинган таасуротларни қоғоз юзасидаги тасвирини олдиндан фараз қилиб, композициясини танлаш зарур. Кейинги босқичда тасвирлашимиз лозим булган ҳажми моделни (бу уринда инсон гавдаси) қайси ҳолатда турганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш зарур. Кийинган киши гавдаси расмини чизган вақтда эътиборни унинг кийими бурмаларига

қаратиш эмас, балки кийим остидаги тананинг конструкциясини кўз олдимизга келтиришимиз лозим.

Ишни бошланғич босқичда гавда ҳаракати, таянчи, асосий нисбатлари қисмлари тўлиқ аниқланиши зарур. Чизилаётган фигура каркасини топиб (бу уринда склет) уни кийинтирилади. Рассом А.А. Дейнека бу ҳақда шундай ёзиб қолдирган эди:"Катта шаклларни белгиланг ва бу босқичда деталлар ва мускулларни эсдан чиқаринг. Икки оёқни ўз ўрнига тўғри қўйинг. Елка камарига бўйин ва бошни боғланг". Линияларни аниқлаштиринг ва мускуллар характеристикасини киргизинг.

Энди иш бажариш босқичларини кўриб чиқсак. Биринчи навбатда бутун гавданинг оғирлик марказини топиш зарур. Тик турган гавда бизга цилиндр ва уни устида турган тухумсимон шаклни эслатади. Бош қисми



44 расм

ёшга боғлиқ бўлиб, бунда қуйидагича қабул қилинган: 2-5 ёшли бола бош гавданинг 1/5 қисмига, 7-10 ёшлар болада 6 марта, катта ёшдаги кишиларда эса 7-8 мартани ташкил этади. Шу сабабли бош масштаби олиниб, гавдага қўйиб чиқилади.

Тик турган гавда оғирлик маълум бир таянч майдонига эга бўлади, агар бу майдондан четга чиқилса мувозанат бузилиб гавда «қулайди».

Ўтказилган оғирлик маркази чизиғи асосида горизонт аниқланади. Расм чизиш жараёнида, схематик гавда чаноқ тасвирлаш ҳам ғойдадан холи эмас. Гавданинг чаноқ умуртқа поғонаси ва кўкрак қафаси, оёқ ҳолатлари ўзаро муносабати ўзгариши асосида гавда шакли ҳам ўзгаради.

Фигурани умумлаштирилган шаклда чизиб чиққандан сўнг расмнинг ифодалилигини кучайтирадиган энг асосий керакли деталларга қайтиш мумкин.

Энг асосий нарса прапорцияларни сақлаб қолиш, пластик мувозанатни бузмаслик жуда муҳимдир Умуртка поғонаси ўрта чизиқ бўлиб хизмат қилади. Расм чизиш жараёнида ҳар бир елка суягини узунлигини топиш, унга тирсак ва билак суяклари қандай уланган ва улар қўл панжасига қандай бирикканлигини кузатиш лозим. Инсон гавдаси каркаси тузилишига 3-4 минутлар вақт ажратилади.

Шундай қилиб, каркас топилгандан сўнг кийинтирилишга ўтиш мумкин. Бунда кўкрак, қорин, бел катта цилиндр ҳолатини эслатади. Шаклни ҳажмини топиш учун 4-5 минут вақт етарлидир. Қолган вақтда гавда характерини аниқлаш уч ўлчамли шаклни икки ўлчамда тасвирлашга сарф бўлади.

Расм иши кийимларни тасвирлаш ва улар остидаги гавдани шаклига мос тушушини билиш билан якунланади. Шуни эсдан чиқармаслик зарурки, ҳар бир чизилаётган инсон гавдаси бир-биридан ўзининг индивидуал хусусиятлари билан ажралиб туради. (семиз, ориқ ва ҳ.к).

Кийинган киши гавдасини тасвирлашда энг асосий мақсад у кийинган кийим эмас, балки инсоннинг ўзини, унинг ҳолатини тасвирлаш керак эканлигини унутмаслик лозим. Талабалар кўп ҳолларда кийим бурмаларини чизишда қийинчиликларга дуч келадилар. Шу сабабли турли матоларда бурмалар турига хосил бўлишини назардан қочирмаслик шарт. Агар мато қанчалик қалин ва дағал бўлса шунча кам бурма ҳосил бўлади. Шу сабабли матони диққат билан кузатиб кўринадиган ҳамма бурмаларни эмас, балки характерли чизиқларини танлаб ҳам чизиш мумкин.

45 расм

Қисқа муддатли расмларни чизганда турли хил материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан:қалам, сангина, кўмир "негро" ва "Ретушь" қалами, суос, акварель, туш ва

46 расм

бошқалар. Лекин [illegible] урганишда энг аввало юмшоқ, графит (М.2М) қаламларида бажариш тавсия этилади. Қаламда чизилган ҳар бир чизиқ шакл пластикасини беришни узоқ ва яқин жойларни тасвирлашда унинг кучидан турлича фойдаланиш имкониятлари катта эканлигини унутмаслик лозим.

Бу уринда чизиқ (контур) катта роль эгаллашини унутмаслик лозим. Маҳоратга эришиш йули шаклий таҳлил қилиш чизиш кўникма ва малакаларини эгаллаш, сўнг эса тез расм чизишга ўтиш мумкин.

Рассом-муаллим П.П. Чистяков бу ҳакда куйидагича ёзган эди. «Кимки шаклни кўра олмаса, у чизиқни ҳам тўғри тушура олмайди».

Инсон гавдаси расмини чизиш жараёнида талаба бир қатор тасвирий ўқув вазифаларини ечадики, булар унинг кейинги ижодий ва педагогик фаолиятида муҳим роль ўйнайди.



→ Г. Гольбейн. Хомаки расмлар

47-48 расм

2-Мустақил иш

1топшириқ.Уй-рўзғор буюмларидан тузилган натюрморт расмини бажариш 2 та иш

2топшириқ.Матони бурмалари билан ишлаш 2 та иш

3топшириқ.Қуш ва ҳайвонлар қораламалари 8 та иш.

4топширик.Кийинган киши расми (қоралама)2та иш.

2Мустақил ишни бажаришга доир услубий кўрсатмалар

1Топшириқни бажариш учун энг аввало натюрморт чизиш учун

предметларни тўғри танлаш керак. Танланган предметлар орасидаги мантиқий боғланишга, эътиборни қаратиш зарур. Бу учун натюрмортчи рассомлар бажарган ишларни репродукцияларини ўрганиш, уларнинг натрюмортни қандай тузганликларига эътиборни қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Предметларни танлашда уларнинг қандай материалдан ясалганлигига диққатни қаратиш керак. Тузган натюрмортимизда турли хил шакл ва фигурадаги предметлар иштироки ишни қизиқарли ва жонли чиқишига имкон яратади. Натюрморт учун энг характерли нарса унда иштирок этадиган нарсаларнинг ягона композицион марказга бўйсунишини эсдан чиқармаслик керак.

2.Топшириқ: Матони бурмалари билан ишлаш учун уни стул суянчиғига ташлаб чизиш керак бўлади. Чизиш учун пахта, ипак ёки бахмал матоларини танлаш мумкин. (50 расм).

3. Топширик:Қуш ва ҳайвонларнинг қораламаларини бажариш кузда



50 расм

Леонардо да Винчи
(Мато этюди (1477)

51 расм

52 расм

тутилади. Вазифани бажаришдан ва ҳайвонларнинг умумий кўриниши ва уларнинг асосий характерли ҳолати, ҳаракатларини тасвирлашдир. Ҳайвонларнинг ҳаракатлари одам ҳаракатлари сингари турли-тумандир. Лекин қуш ва ҳайвонларни маълум бир ҳолатда натурачи каби туришга мажбур қилиб бўлмайди. Шу сабабли рассом-педагог қуш ва ҳайвонлар анатомиясини билиши натурани умумий ҳолатини тез илғаб олишга ёрдам беради. Қуш ва ҳайвонларнинг хомаки расмини бажариш талабаларда кўпгина фойдали малакаларни, жумладан натурани кузатган ҳолда график воситалар ёрдамида тез ва малакали расм чизишга ўргатади.

Ишни нафақат қаламда, балки сангина, тушь, перо, акварел ва ҳ.к. бажариш мумкин.

Бирор бир қушни чизишдан олдин уни кузатинг гавдаси тузилиши [illegible] қандай; бош гавдасига нисбатини, тумшуғи қайси шаклда, у қандай ҳаракатланади, учади. Қушлар тез ҳаракатланувчи бўлмаганлиги сабабли уни чучелосидан фойдаланиш мумкин. Қарға қандай чизилади. Биз қуйида уни чизиш босқичларини келтирамиз.

Бош қисми катта, гавдаси бирлашиб кетган, ўртача катталикда тумшуқ, узун дум ва қанотлардан ташкил топган. У қўнган бутага оёғини

54 расм V - ..

қаттиқ босиб панжаралари билан қисиб турибди. Бош қисми худди бир нарсани эшитаётгандек диққат билан бурилган. Бош қисм чўзилгансимон, қорин қисми тухум шаклида. Юқоридагилар асосида бош шаклини, гавдани бир-бирига нисбатларини сақлаган ҳолда белгилаб оламиз. Бош, гавда, дум ҳолатларига қараб тахминий ўқ чизиғини ўтказамиз. Тумшуқ, ўртасидан чизиқ, дум узунлигини ва унинг гавдага нисбатан ўлчамини белгилаб оламиз. Нисбатлар тўғрилигини яна бир бор текшириб, белгилан-

55 расм

56 р.г.г.

V-а Сафаров Ч.

ган шаклларни аник чизиб чиқамиз. Кўкрак қафаси, қанотларни чизиб оламиз. Оёқларни чизамиз. Панжалар тўртта, учтаси олдинда, бири орқага қараган. Ҳар бир панжада узун тирноқ. Шундан сўнг тумшуқ, кўз расмини чизамиз. Чизик штрихлар воситада характерли жойларини берамиз. (54-55-56-расмлар).

4.Топшириқ асосий эътибор натурани композицион жойлаштиришга нисбатлар ва ҳолатни топиш, оғирлик марказини ҳамда гавданинг асосий характерли хусусиятларини аниқлаш ва тасвирлашдан иборат.

Натура ёки модель тик турган ҳолатда ёки бир оёқда турган пайтда оғирлик марказини топиш рассом учун катта аҳамиятга эга.

Оғирлик маркази—бутун тана қисмлари оғирлик кучларининг тенг таъсир қилувчисини ўзига тушира оладиган нуқта ҳисобланади. Навбатдаги вазифа чизиш даврида нисбатларни тўғри тасвирлашдир. Қадимги даврларда Мисрда, Шарқ мамлакатларида ишланган одам гавдаси пропорциялари ҳақида қонунлар бизгача етиб келган. (Юнонликлар) ҳам тузган бир қанча бу соҳадаги қонунлар бизгача етиб келган. Бу соҳа билан айниқса уйғониш даври рассомлари жуда кўп ишлар қилганлар. Леонарда да Винчи 700 дан ортиқ анатомик расм ишлаган. Рафаэль, Тициан, Микеланджело, А. Дюрер ва ҳоказолар ҳам ўз ишларида олдиндан фигураларнинг анатомик хомаки расмларини ишлаганлар.

Биз қуйидагича антропологлар томонидан аниқланган инсон гавдаси нисбатлари ҳақидаги маълумотларни келтирамиз:

Чақалоқ бола 50 см, 1 яшар бола-17 см, 3 яшар бола-87 см, 5

яшар бола 99 см, 10-128 см, 15 ёшли-155 см, 25 ёшли киши бўйи 168 см.

Тананинг бошга нисбатан ўлчамлари:

Чақалоқ болада гавдасига нисбатан 4 марта, 7 яшар болада 6 марта, 14 яшар болада 7 марта бўйи 160 см келадиган одамда 7 марта 170 см-7,5 марта 175 см келадиган катта одамда 7,75 марта бўйи 180 см келадиган катта одамда 8 марта жойлашади. Одам гавдаси қораламаларини бажаришда умуман олдинда хомаки расмини бажаришда ҳам ҳар бир чизилган чивиқ ўйланган, ўз ўрнига қўйилган, новик, керакли жойда қаттиқ босилган, характерли жойлари, тахминий соя жойларн қўйилган бўлишига эришиш ишнинг жонли, қизиқарли чиқишига олиб келади.

58 расм
Микеланджело деворий расм учун чизилган расм

Таянч суз ва иборалар.

Каламтасвир	нисбат
Натура	яхлитлик
Бадиий таълим	тус
Перспектива	уфк чизиги
Пластик анатомия	пропорционал муносабат
Гипс модда	пропорция
Наброска	натюрморт
Эскиз	предмет текислиги
Композиция	уйгониш даври
Конструкция	куриш нуктаси
Антик	туташув нуктаси
Натрюморт	рефлекс
Мольберт	соя
Планшет	ярим соя
Соус	тушувчи соя
Шакл	хотира
Кузатувчанлик	тасаввур
Бадиий образ	коралама
Огирлик маркази	

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Набиев М. Расм чизиш ва уни ургапаш методикаси.Т,1980
2. Азимов Б. Натюрморт тузиш ва уни тасвирлаш методикаси Т.Укитувчи 1984
3. Самадов О., Абдуллаев С.,Барноев В. Одам бошини тасвирлаш.
4. . Ростовцев Н.Н.Академический рисунок М."Просвещение"1984
5. Кузиев В.С Наборски изарисовки М."Просвещение"1973
6. Хасанов Г.Нарсани узига караб расм чизиш Т 1973.
7. Муъжиза яратиш санъати.Т."Мехнат"1999 й.
8. РабМ.Ц. Пластик анатомия Т. 1980

МУНДАРИЖА

Кириш
Ўқув жараёнини ташкил этилиши
Иш дастури (синов курси)
Қаламтасвир фанини ўқитиш вазифалари
Иш жойини жиҳозлаш.Қаламтасвир материаллари
Расм чизишлар кетма-кетлик. Конструктив тузилиш. Нисбатлар
Расмда перспектива
Қаламтасвирда соя-ёруғликлар қонуни. Тус муносабатлари
Иш дастури (1 семестр) Антик давр ҳайкалтарошли
Намуналаридан бош қисмини чизиш қоидалари
1.Мустақил иш мавзулари
Иш дастури (2 семестр) Қисқа муддатли Расмлар. Хотира ва тасаввурдан расм чизиш.
Мустақил иш. Кийинган киши гавдаси чизгилари.

Сайфулло Абдуллаев, Барот Азимов, Ашраф Маҳмудов
ҚАЛАМТАСВИР 1 КУРС Муҳаррир — О.Кодиров.
Бад.мухаррир —Д.Жаббор.
Техник муҳаррир — У.Ибодуллаев